

Оммавий оферта

Ҳурматли фойдаланувчи!

Сизга “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси бошлиғи бевосита электрон тарзда мурожаатларни юбориш имконияти тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, Сизнинг юбораётган мурожаатингиз расмий мақомга эга эканлигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз.

Шу сабабли, Сиздан қўйидагиларни унутмаслигингизни сўраймиз:

1. Жисмоний шахс сифатида мурожаат йўлласангиз фамилиянгиз (исмингиз, отангизнинг исми), яшаш жойингиз тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатингиз моҳиятини баён этилган бўлиши шарт. Юридик шахс сифатида мурожаат йўлласангиз, юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилиши талаб этилади.
2. Алоҳида этибор беринг! Тухмат, ҳақорат сўзлар ишлатилган ва ёлғон хабар берувчи мурожаатларни тақдим этиш мумкин эмас.
3. Шунингдек, қўйидаги ҳолатларда мурожаатларингиз рад этилиши мумкинлигини эслатиб ўтмоқчимиз:
 - Одобсизлик мазмундаги мурожаатлар (уятсиз ёҳуд ҳақоратли иборалар, танқидлар, мантиқ ва маъноси бўлмаган таклифлар ва шунга ўхшаш мурожаатлар);
 - Мурожаат матнида тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган, таркибида аниқ аризалар, шикоятлар ёки таклифлар бўлмаган мурожаатлар.
4. Шинингдек, фойдаланувчининг бир неча бор масала бўйича жавоб берилган мурожаатини қайта юборилганда агар унда важлар ёки ҳолатлар келтирилмаган бўлса, кўриб чиқилмайди.

Мазкур шартларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.